



Халқ Сўзи



1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

29 август, жума, 1997 йил
Соғувда эркин нархда. № 184 (1697)

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА УЧРАШУВ

Ўзбекистон Бош вазири Уткир Султонов 28 август кuni мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг амадаги раиси, Дания Қироллигининг ташқи ишлар вазири Нилс Хелвег Петерсен раҳбарлигидаги делегация аъзолари билан учрашди.
Бош вазир меҳмонларни мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар жарафани, бу борада қўлга киритилган натижалар билан таништирди.
Учрашувда Ўзбекистон билан ЕХХТ, шунингдек, Ўзбекистон билан Дания ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорлик алоқаларининг истиқболли ҳусусида узaro фикр алмашилди.
Шу кuni Нилс Хелвег Петерсен Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилон билан ҳам учрашди.
Учрашувда ЕХХТ доирасида ҳамкорлик, минтақавий хавфсизлик, шунингдек, Ўзбекистон ва Дания ўртасида икки томонлама алоқаларни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.
Учрашувларда Дания Қироллигининг Ўзбекистондаги Факултолда ва Мухтор элчиси Кристиан Хоппе ҳозир бўлди. (ЎзА).

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ЕХХТнинг амадаги раиси, Дания Қироллиги ташқи ишлар вазири Нилс Хелвег Петерсенни қабул қилди.
Мамлакатимиз раҳбари Европанинг нуфузли ташкилотлари раҳбарлари ва айни вақтда ушбу қитъа мамлакатлари орасида ўзига муносиб ўринга эга бўлган давлатнинг ташқи ишлар вазири билан муносабатларини ривожлантириш, Ўзбекистон-Дания муносабатларини янада мустақамлаш билан боғлиқ масалалар

Бугун Тошкентда биринчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессияси ўз ишини бошлайди

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИДА

28 август кuni вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғи Кеңеси Раиси, партиялар фракцияларининг раҳбарлари, шунингдек, парламентда доимий асосда ишлаётган депутатлар иштирокида Олий Мажлис Кеңашининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди.
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси Э. Халилов олиб борган Кеңаш мажлисида Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясига тайёрлар кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.
Олий Мажлис Раисининг ўринбосари А. Қосимовнинг у раҳбарлик қилаётган депутатлар ишчи гуруҳининг тўққизинчи сессияга тайёрлар ишлари тўғрисидаги ахбороти тингланди. Хусусан, сессияга доир барча масалалар Олий Мажлисининг тегишли қўмиталарида жиддий ишлаб чиқилганлиги таъкидланди.
Қонун лойиҳалари ва бошқа материаллар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳамда Вазирлар Маҳкамаси раҳбарлари

ҳалари устида олиб борилаётган ишлар якунланганлигини ва улар парламент депутатлари муҳокамага киритишга тайёр эканлигини маълум қилдилар.
Натижада, тўққизинчи сессиянинг кун тартиби лойиҳаси ишлаб чиқилиб, тасдиқланди. У Олий Мажлис тасдиғига киритилади.
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Мандат комиссияси 28 август кuni ўз мажлисида саккизта округда бўшаб қолган ўринларга бўлиб ўтган сайлов якунларини кўриб чиқди.
Янги сайланган депутатларнинг ваколатларини тўғри, деб топилган ҳақидаги Олий Мажлис қарорининг лойиҳасини сессия муҳокамага киритишга қарор қилинди.
Мажлисида, шунингдек, «Ўзбекистон Республикасида депутатларнинг мақоми тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Олий Мажлиси депутатлари ҳуқуқлари рия этилишига доир қисмининг Фарғона вилояти-

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ — УСТУВОР ЙЎНАЛИШ

28 август кuni республика Вазирлар Маҳкамасида кузги галла экинчи намунали ташкил этиш масалаларига бағишланган мажлис бўлди.
Унда тегишли вазириликлар, идора ва ташкилотлар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғи Кеңеси раиси, вилоятлар ҳокимлари қатнашди. Мажлиси республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков бошқарди.
Мажлисида мамлакатимиз деҳқонлари галла мустақамлашига эришиш йўлида филокорона меҳнат қилаётгани, республикада галла етиштириш йилдан-йилга кўпайиб, ялпи ҳосилдорлик ошиб бораётгани таъкидланди.
Лекин айрим вилоятлар, туманларда галла экиладиган ерларни тайёрлаш, уруғлик жамғариш борасида жиддий камчиликларга йўл қўйилгани, ерга етарли миқдорда уруғ тўшагани, айниқса, галла белгиланган муддатларда экилмагани ҳосилдорликка салбий таъсир кўрсатди. Мажлисида бу йилги мавсумда йўл қўйилган ана шу камчиликларни тақрорлаш зарурлиги таъкидланди.
Пахтачилик Ўзбекистон иқтисодиётининг етакчи соҳасидир. Мажлисида бу йилги ҳосилнинг қисқа муддатда нес-нобуд қилмай териб олиш билан боғлиқ масалалар ҳам кўриб чиқилди.
Мажлисида Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Т. Алимов, Бош вазир ўринбосарлари А. Муҳиддинов, Б. Ҳамидов, Қ. Ҳаққулов иштирок этиди. (ЎзА).

иштирокида Қорақалпоғистон Республикасида, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳрида, парламент қўмиталари, партиялар фракциялари ҳамда ҳокимиятнинг вакиллик органларидан сайланган депутатлар блоги мажлисида атрофлича муҳокама қилинди. Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастур ва «Таълим тўғрисида»ги Қонун лойиҳалари Олий Мажлис ташаббуси билан Халқ таълими ҳамда Олий ва ўрта-маҳсус таълим вазириликлари ҳамкорликда ўтказган илмий-амалий конференцияда мутахассислар ва олимлар иштирокида батафсил муҳокама этилди.
Келиб тушган тақлифлар ҳамда фикр-мулоҳазаларни ўрганиш ва таҳлил қилиш юзасидан катта иш олиб борилди, улардан кўпи ҳужжатларни қайта ишлаш чоғида ҳисобга олинди.
Мажлисида сўзга чиққан Олий Мажлис қўмиталарининг раислари қонун лойи-

риш, иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий ислохотларни чуқурлаштириш ишида депутатлик сўрови ҳуқуқидан тўлиқ фойдаланилмаётгани ҳам таъкидланди.
Комиссия ҳокимият ижроия органларининг раҳбарлари эътиборини сайлов округида фуқароларнинг мунтазам қабулини йўлга қўйиш, уларнинг ариза ва шикоятларини кўриб чиқиш устидан назоратни амалга оширишда депутатларга ҳар томонлама кўмаклашиш зарурлиғига қаратди. Олий Мажлис депутатларига жойларда қонунларнинг ижросини ўрганиш асосида қонунчилик ташаббуси ҳуқуқидан тўлақон фойдаланиш, қонунларга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида тақлифлар билдириш тавсия қилинди. Ҳокимиятнинг вакиллик ва ижроия органлари томонидан қабул қилинган қарорларнинг ўз сайлов округида бажарилишига кўпроқ эътибор бериш, қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилишда фаолроқ иштирок этиш тавсия этилди.
Олий Мажлисининг Мандат комиссияси қорхоналар, муассасалар ва ташкилотлар раҳбарларининг эътиборини қонун ҳужжатларининг фуқаролар хатлари, мурожаатлари ва аризалари билан ишлаш, уларга жавоб бериш юзасидан белгиланган муддатларга рия этиш масалаларига тааллуқли талаблари қатъий бажарилиши зарурлиғига қаратди.

ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНЛАРИ

Хушбабарнинг қаноти бўлади. Бир гуруҳ юртдошларимизга Ватанимизнинг энг олий мукофоти -- «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилганлиги ҳақидаги Президент Фармониини барча қорақалпоғистонликлар ширин бир энтикиш билан кутиб олишди.
Қорақалпоғистондан чиққан Қаҳрамонини у билан нима-ён меҳнат қилаётган юзлаб ҳамкасблари, шу ҳаводан нафас олиб, шу сувнинг таъминини тотиб, шу тупроққа оёқ қўйиб юрган юз минглаб ўзга юртдошларидан «ярқ» этиб ажралиб турадиган жиҳатларини топиш қийин. Шу маънода, мажозан бу олий унвон ҳар бир қорақалпоғистонликка тааллуқли бўлса, ажаб эмас.
Аммо шунинг айтиш керакки, бу аёл билан суҳбат асносида бутун онгли ҳаёти мобайнида унга ҳамроҳ бўлиб келаётган кучли хислатларидан бирини топандек бўлди. Бу -- унинг қалби билан теран ўрин олган маънавий ҳисси эди. Бу -- инсоннинг давлат, фуқаронинг давлат, фарзанднинг ота-она, аёлининг оила, онанинг ўз зурриётлари, шифокорнинг бемор, раҳбарнинг ходимлар олдидаги масъулиятини чуқур англаши ва ҳар қандай шароитда ҳам ўз халқ-харакатини, энг аввало, шу келиб туйғунинг амридан келиб чиқиб белгилаш жавобгарлиги эди.
Том маънода яхши ёхуд ёмон инсон йўқ. Ҳар бир одамнинг юзлаб яхши хислатлари қаторида баъзи кам-

овули -- Шуманай туманига келадиган қишлоқ касалхонасида ишлай бошлайди. Мана 20 йилдан ошибдики, уларнинг оиласи Нукусда яшайди. Тўрт нафар фарзанди бор, бариси ўғил.
Утган вақт мобайнида опа оддий шифокор бўлиб ҳам, Соғлиқни сақлаш вазириликда масул лавозимларда ҳам, республика туғруқхонасининг бош врач бўлиб ҳам ишлаган. 1-сонли ре-

«ЎТГАН АЗИЗЛАРНИ ИЗЗАТ ҚИЛИБСИЗ...»

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳим.
Хурматли Ислам Абдуғаниевич!
Мустақиллик байрами арафасида биз, қариялар Самарқанд, Ғиждувон ва Бухорони, бу қадим шаҳарлардаги обид ва азиз жойларни яна бир бор зиёрат қилиш бахтига муяссар бўлдик. Олти йил олдин зиёратга борганимизда шу жойларни бир аҳволда кўриб, ўқиб қайтган эдик. Шундай улғу қадамжолар қаровисиз ётган эди. Бу йил зиёратга борганимизда бу ердаги ўзгаришларни кўриб, ҳайрон қолдик. Қилинган ишлардан беҳад суюндик. Бу савоб ишларда Сизнинг бел боғлаб қилган хизматларингиз самараси кўриниб турибди. Амир Темур бобомизнинг мақбарасига кириб, тиловату Қуръондан сўнг дуоини фотиҳа қилдик: Соҳибқирон бобомизнинг мақбаралари шу қадар чиройли таъмирланганки, кўрган инсоннинг ақли шошади: муқаддас оятлар тилло суви билан битиб қўйилган. Имом Бухорий, Баҳоуддин Нақшбанд мақбаралари асл ҳолига қайтарилгани, кўркам зиёратгоҳга айлангани ҳам ҳар бир мўмин-мусулмонни беадад хушнуд этади. Бу истиқлол шарофати, Сизнинг хизматингиздир. Бунинг учун минг марта раҳмат! Ҳозир етти яшардан еттиш яшарчага бўлган мўмин-мусулмонлар Сизни дуо қила-пти. Илоё, эзгу ишларингизда Яратган эгамнинг ўзи мададор бўлсин! Аллоҳ таоло эл-юртимизга қут-барока, файзу тароват, кетмас саодат ато этсин, осмонимиз мусофоро, мамлакатимиз тинч, ҳамisha юксалишда бўлсин!
Сиз утган азизларни иззаат қилиб-сиз, Сизни Аллоҳ таоло кўлаб-қувватласин!
Чирчиқ шаҳрининг 8,9,10-мавзели оқсоқоллари:
Абдуманнон ҲАМИДОВ,
Қодирқул СУЛТОНҚУЛОВ,
Ҳамидулло қорн МУҲАММАДЖОНОВ,
Амвонжон ЖУМАНОВ,
Ҳамидулло ҳожи РАСУЛОВ,
Турсуннат АШУРОВ,
Бувағтой РАСУЛОВ,
Йўлдош АБДУҚОДИРОВ,
Тура ТУРҒУНОВ,
Сайфулло ТУРИСМЕТОВ,
Ихматжон НАЗИРОВ,
Маҳаммад қорн ЖўРАЕВ.

НОЗИМ ҲИКМАТ ТАЪРИФИДАГИ ОДАМ

этиб ўзгалардан ажратиб туради. Масалан, ўта ботирлик, ўта саҳийлик, ўта меҳрибонлик ёхуд ҳалдан зиёд бахиллик, дангасалик, қўрқоқлик каби. Опада эса жуда кўпдай яхши хислатлар муҳассам.
Онесия опа асли Чимбойда туғилган. Қорақалпоқ қизи Чимбойдаги рус мактабини медал билан тугаллагач, Андижон табиёт институтига ўқишга киради. Уша ёқда бўлгуси турмуш ўртоғи -- пахтачилик институтининг талабаси билан танишади. 1972 йилда ўқини тугатган эрини ҳарбий хизматга жўнайтиб, тўнғич боласини қўчганича эрининг публика касалхонасида ихтирослашган гинекология бўлимини ташкил этиб, унга бошчилик қилган, туғруқхонадан қон куйиш бўлимини очиб, унда республикада илк марта плазма олишга муваффақ бўлган. Бир неча марта Россияда, Тошкентда малака оширган. Ва, ниҳоят, тинимсиз изланишлар, муттағил мутлола, ҳар хил навабчилик ҳамда тезкор қақриқларда ўтказилган минглаб соатларнинг ҳусуласи Улароқ, бугунги кунга келиб Қорақалпоғистонда аёллар касалликлари масаласи бўйича энг олди мутахассислардан бирга айланди. Фақат сўнгги уч йилнинг дан кетгани. Кўпчилик «унинг ҳаётини сақлаб қилишининг фурсати ўтган», деди. Лекин опа ўз фикрини ўтказди: операция қилиш керак. Унинг бошчилигида операция ўтказиб, ҳомилани олди. Узини сўнгги таъминотга ўтказдик. Бемор, биласизми, кўзини очмасдан 17 кун ётди. Фақат юраги уриб турарди, холос. Тошкентдан қақриқдан мутахассислар ҳам «омон қолиши қийин», деб кетишди. Опа эса ҳар кун шу беморнинг бошида. Хуллас, юздан бир имконият бор эди -- у шу имкониятни топди. Бемор тузалди кетди. Энг муҳими, чаққоли ҳам омон қолди. Бу

Ҳайитбой АБДУСОДИҚ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«Намуна» жамоа хўжалиги аъзолари давлатга пахта сочи режасини бултур Богдад туманида биринчи бўлиб ба- жарган эдилар. Бу йилги ни- ятлари ҳам илгорики қўлдан бермаслик. Шу боис 810 гек- тар майдонда мўл ҳосил етиштиришди. 30 гектар ерга плёнка остига чигит қада- ган Азимжон Аҳмаджонов бошлиқ бригадада эса пахта терими алақачон бошлаб юборилди.

СУРАТДА: Комила Абду- раззоқова кунига 180--200 килограмдан пахта тери- япти.

Т. ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.



• ТАЪЛИМ ВА ИСЛОҲОТ

ИМКОНИЯТ ЭШИКЛАРИ ОЧИЛМОҚДА

Мамлакатимизда рўй бераётган иқтисодий, ижтимоий ва маънавий ўзгаришлар таълим соҳасига ҳам ўз таъсирини кўрсатапти. Мамлакатимизда умумбағшарий гоғлар асосида таълим тизими кенг миқёсда раванқ топиши учун барча имконият эшиклари очилди.

Кўпмулкчиликка асослан- ган корхоналар сонининг оши- ши, ички ва ташқи бозорнинг ривожланиши, иқтисодий- тимизга хорижий сармоялар- нинг тезкорлик билан кириб келиши, қимматли қўғозлар бо- зорининг пайдо бўлиши, мо- лия-банк тизимидаги туб ўзга- ришлар мутахассислар олдига янги талаблар қўймоқда. Улар халқро иш услубларини пухта ўзлаштириб, ўз билим- ларини доимий равишда оши- риш борилари лозим.

Мамлакатимизда таълим ти- зими қуйидаги босқичлар бўйича тўла қайта ташкил эти- лиши замонавий талабларга жавоб беради, деб ўйлаймиз: мактабгача ва мактаб таълими; бошланғич касбкорлик ва ўрта махсус таълим; тулик бўлмаган олий ва олий таълим (бака- лаврилик, магистрлик, аспиран- та ва докторантура).

Мактабгача таълим асоси давлат томонидан махсус дав- тур негизда ташкил қилина- ди ва бошқарилади. Бу бос- қида миллий истиқлол, Ва- танга садоқат, одоб-ахлоқ ма- нуаларини чуқур таълим қилиш кўзда тутилади. Мактабгача тарбия муассасалари эса ҳуку- мат органлари, корхона ва фир- малар, жамоа ташкилотлари қарамонига бўлгани маъқул.

Умумтаълим ва гимназияда ўқувчилар тўққизинчи синфга мажбурий ўқийдилар. Кей- инги босқичда улар тагин тест орқали имтиҳон топшириб, иқтидорли ва ўртача гуруҳларга бўлинишади. Истеъодли ўқу- чилар ихтиёрий равишда 10 ва 11-синфларда, махсус ҳуна- рли билим юрларида ёки лицей ва коллежларда ўқини давом эттиришлари мумкин.

Тўққизинчи синфни би- тирган бошқа ўқувчилар касб- корлик йўналиши бўйича дав- лат дастурига асосан ўқитила- ди. Бу борада Президентимиз- нинг биринчи чاقирғи Олий Мажлисининг саккизинчи сес- сиясидаги нутқида мажбур соҳа юзасидан билдирилган фикр- лар дастуруламал бўлиши ке- рак.

Ўрта-махсус таълимда сан- оат корхоналари мутахассислари (оғир ва енгил сан-оат), энер- гетика, транспорт (сув, ҳаво, те- мир йўл транспорти), алоқа, ту- ризм, қазилма бойликларни ўзлаштириш соҳасининг билим- доллари тайёрланиши фойдали- дир. Мазкур касбкорликлар бўйича мутахассислар кам. Таъ- лимнинг шу йўналиши ҳам халқро андозалар асосида таълимланган ўқув дастурлари бўйича олиб борилиши лозим.

Тулик бўлмаган олий таълим- ни ташкил қилиш ҳам осон ке- майди. Мазкур босқичда таъсил олаётганлар олий ўқув юрлари- нинг талабларидан ташкил топа- ди. Талаба тест синовлари орқали олий ўқув юртининг касб йўналишлари бўйича ўқишга киргандан кейин биринчи ва ик- кинчи курсни тугатади. Иккин- чи курс якуни бўйича аттес- тация ўтказилади. Гуруҳлар мута- хассисликлар бўйича табақлаш- тирилади. Агар талаба икки курс- ни ҳам фақат юқори баҳоларга (балларга) якунлаган бўлса, у ўқининг иккинчи босқичига, яъни бакалаврлик поғонасига кўтарилади. Ёхуд «аралаш» ба- ҳола билан тамомлаган бўлса, шартномага асосан, олий ўқув юртининг қошида ташкил қили- ниши лозим бўлган коллежда яна бир йил ўқийди. Тулик бўлмаган олий маълумотга эга бўлиб, ки- чик мутахассислик дипломининг олади. Қўшимча бир йиллик ўқини харажатлари талаба томо- нидан қопланиши ҳам мумкин. Амалийта шунадай ҳоллар учрай- дики, дастлабки босқични «ара- лаш» баҳо билан тамомлаган та- лаба бакалаврлик гуруҳида ўқини хоҳлайди. У ҳолда бакалавр- лик даражасида сарфланган ўқини харажатлари шартнома бўйича талаба томонидан қопла- нади. Ўз навбатида олий ўқув юрти қошидаги коллежда сабоқ олаётган талаба юқори баҳоларда ўқи, олий ўқув юртининг ба- калаврлик босқичида шартнома- га асосан ўқини давом этти- риш ҳуқуқи эга бўлиши мум- кин. Бу ҳолда ёшларнинг билим- га бўлган қизиқиши ўз-ўзидан рағбатлантирилади.

Кейинги йилларда кечки ва сиртқи таълим шакллари (айрим мутахассисликлар бўйича) асос- сиз равишда қамайиб кетди. Бо- зор иқтисодиётининг ҳозирги палласида ёшларнинг кундузги бўлимларда тулик таълим олиш- лари қийин кечаяпти. Уларнинг назарий ва амалий билимларини уйғун ҳолда олиб бориш учун

Бакалаврликни тугатган тала- баларга «бакалавр» даражаси бе- рилади. Шунингдек, улар яна камда бир йиллик амалий таъ- лимни ўташса, мақсадга муво- фиқ бўлади.

Иккинчи босқични ҳам юқо- ри даражада якунлаган, савияси юксак талаба «магистратура»га йўланади. У ерда дунёқарши кенг, иқтидорли, ташкилотчилик қобилиятига эга, илмий-тадқиқот ишларида фаол қатнашган тала- балар жадаллаштирилган дастур- га биноан таъсил қўришлари ке- рак. Ушбу поғонадан аъло дара- жада ўтган талабалар «магистр» илмий даражасига эга бўладилар ва улар мамлакатимизнинг усту- вор йўналишларини белгиловчи соҳаларда меҳнат қилишади.

Бозор иқтисодиёти ривожлан- ган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, у ерларда мутахас- сис кадрларни тайёрлаш рақобат асосида олиб борилади. Ҳар бир ўқув юрти ўз макенини фақат чуқур билимли кадрлар тайёрлаш орқали мустақамлайтиди.

Ўзбекистондаги айрим ўқув юрлари тармоқлар негизда фа- олият кўрсатапти. Фикримиз- ча, мамлакатимиздаги барча ўқув юрлари қисқа муддатда аттес- тация ва аккредитация қилини- ши, халқро мақомлар даража- сига келтирилиши жонга ўшайди. Бизнингча, Самарқанд шаҳридаги кооператив институ- тини Ўзбекистон матлубот кооп- ерацияси университетига айлан- тирилса, бу ҳукуматимизнинг мазкур соҳани янада ривожлан- тиришга, қишлоқ аҳолисининг иқтисодий яшаш тарзи, турмуш даражасини кўтариш борасидаги кўрсатмаларига аниқ жавоб бўлар эди.

Таълим ислоҳоти махсус дав- тур бўйича босқичма-босқич амалга оширилсагина кўзда ту- тилган мақсадлар амалга ошади. Эришилган ижобий натижалар сақлангани ҳолда, улар давр та- лабларига мослаштирилади. Му- тахассисликлар бўйича утилади- ган фанлар бир-бирини қайтар- маслиги, тақрорийликларга йўл қўйилмаслиги давр талабидир.

Кейинги йилларда кечки ва сиртқи таълим шакллари (айрим мутахассисликлар бўйича) асос- сиз равишда қамайиб кетди. Бо- зор иқтисодиётининг ҳозирги палласида ёшларнинг кундузги бўлимларда тулик таълим олиш- лари қийин кечаяпти. Уларнинг назарий ва амалий билимларини уйғун ҳолда олиб бориш учун

таълимнинг кечки ва сиртқи бўлимларини кенгайтириш тўғри бўлади деб ҳисоблаймиз.

Қишлоқ инфратузилмаси учун мутахассис кадрлар тайёр- ловчи ўқув юрларига қабул қилишда тест синовидан олин- ган кириш балларига жорий қилинган минтақавий коэффициент кўшилиши яхши нати- жалар беради.

Ҳозирги пайтда кўпчилик ўқув юрларида мустақил ра- вишда таълим соҳасига оид ай- рим адабиётлар чиқарилмоқда. Шуни қайд қилиш керакки, тегишли назоратнинг суғултиги туфайли тайёрланган ўқув дастурлари, дарсликлар, ўқув қўлланмаларининг савияси паст ва улар талабга жавоб бермай- ди. Таълимнинг барча соҳаси бўйича ўқув, ўқув-услубий ишлар қатъий режа асосида тайёрланиши ва назоратга оли- ниши керак.

Фан-техника тараққиётин- инг шиддатли тусда ривож- ланиши мутахассислардан до- имий равишда ўз малакалари- ни ошириб боришни тақозо қилади. Очигини айтиш керак, айни дамда таълим соҳасидаги профессор-ўқитувчиларнинг малакаларини доимий ошириш учун етарлича шарт-шароит яратилмаган. Ушбу масалани ижобий ҳал қилишнинг муҳим йўлидан бири ўқитувчилар иш ҳажми меъёрини ўйлаб кўришдир. Ҳозирги кунда олий таълим ўқитувчиларига ўқув иш ҳажми анча юқори белгиланган. Мисол учун, иқтисодий йўналишдаги олий ўқув юрларида ўқитувчининг йиллик ўртача иш ҳажми 850--950 соатни ташкил қилади. Уларнинг меъёридан ортққ иш- лаш ёки етарлича рағбатлан- тирилмаслиги, шубҳасизки, ўз малакалари устида шугуллан- нишни чеклаб қўяди. Фикри- мишча, олий ўқув юрларида (касб йўналишини ҳисобга ол- ган ҳолда) кафедра ўқитувчи- ларининг йиллик иш ҳажми ўртача 450--500 соатдан ошма- са яхши бўларди. Малака оши- риш натижаларига қараб, му- тахассислар билан шартномалар тузилиши ва лавозимларга қўйилиши айни муддаодир.

Мурод МУҲАММЕДОВ, Самарқанд кооператив институти ректори. Ҳасан МУСАЕВ, аудит кафедраси муdiri. Баротали АБДУКАРИМОВ, тижорат факультети декани.



Наманган вилояти

“АСНАМ ТЕКСТИЛЬ”

Ўзбек-турк

қўшма корхонаси жамоаси

Ўзбекистон Республикаси

Мустақиллигининг олти йиллик

айёми билан ўлкамизнинг

барча халқларини

самимий қутлайди.

Ҳаммага соғлиқ-саломатлик,
тинчлик ва бахт-саодат тилайди.

Progressiv raqamli GSM standart bazasida Ўзбекистонда такомиллашган уяли алоқа тармогини ривожлантиришга хизмат қилувчи “Бузел” Индонезия компанияси

Buztel
Bakrie Uzbekistan Telecom

меҳнаткаш ва талантли ўзбек халқини мамлакат ҳаётидаги байрам —

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ
ОЛТИ ЙИЛЛИГИ

билан қизғин ва самимий

ТАБРИКЛАЙДИ!

Ҳаммамизга тинчлик ва омонлик, оилавий бахт-саодат, халқ манфаатлари ҳамда келажакги бурок Ўзбекистон давлатини барпо этиш йўлида амалга ошираётган хайрли ишларини ҳамда катта муваффақиятлар тилаймиз!



Байер АГ

кимё-фармацевтика фирмаси

Ўзбекистон Республикаси

Мустақиллигининг

олти йиллиги билан самимий

табриклар экан, кўп миллатли

Ўзбекистон халқига тинчлик,

бахт ва фаровонлик тилайди.

Байер АГ ДОИМО СЎЗИНИНГ САЛОМАТЛИГИНИНГ УЧУН.



БИЛМАГАНЛАР БИЛСИН БИЗНИ

Туркийларнинг XX асрдаги забардаст шоирларидан бири Усмон Туркой шундай дея лутф қилганларида, наларни назарда тутган экан-а? Балки у XX асрнинг охири ёки XXI аср Шарқ халқлари асри бўлишни башорат қилгандир. Аммо Шарқнинг кўёшли тупроги бўлмиш Ўзбекистонга ташриф буюрганда, бир дунё тасаввурлар билан Лондонга қайтгач, ана шу ўттири сатрни яна бир бор кўнглидан ўтказганига шубҳамиз йўқ.

Чунки Шарқдан чиқаётган кўёш бутун ер юзига ўзининг саховатли нурларини таратгани каби, Самарқандда кун сайин доврўги дoston бўлаётган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали ҳам ўзининг энг ҳаяжонли лаҳзаларига қадам қўяётди.

Кеча эртаб «Афросиёб» меҳмонхонасининг мажлислар залида фестивал доира-сидати «Шарқ халқлари мусиқа санъатининг муштараклиги» мавзусидаги халқаро илмий-ижодий конференция ўз ишнини бошлади. Уни Самарқанд шаҳри ҳокими Азиз Носиров кириш сўзи билан очди. Республика Маданият ишлари вазири, фестиваль бош директори Хайрулла Жўраев конференция қатнашчиларини серқўёш ўзбек заминига ташриф буюрганликларини самимий қутлади.

Маълумки, бу нуфузли анжуманда Индонезия, Хиндистон, Жанубий Корея, Покистон, Франция, Россия, Латвия, Юнонистон, Эрон, Мўғулистон сингари дунёнинг кўпгина мамлакатларидан ташриф буюрган мусиқашунос олимлар ва санъат намоён-длари иштирок этишяпти. Унда Т. Ғофурбеков, А. Назаров, Д. Одилов, Р. Юнусов сингари республикамизнинг таниқли мусиқашунос олимлари фаол қатнашмоқдалар.

Конференциянинг дастлабки йиғилишида ЮНЕСКОнинг Маданият шўба-си бош директори Креспо Торал раислик қилди. Унда Рустам Юнусов (Ўзбекистон), Норика Айқова

(ЮНЕСКО), Сянь Ян (Хитой), Шанку Хуриа (Хиндистон), Хушк Муҳаммад Иброҳим (Покистон), Ҳасан Шаҳризода (Франция) ва бошқалар ўз маърузалари билан иштирок этишди. Анжуман бутун ўз ишнини якун-лайди.

Самарқандни бир қўрган одам «Бу шаҳарнинг ўзи кичкина бўлса-да, қандай қилиб шунча асрлик меъморий обидаларини ўз бағрида сақлаб, асраб келаятган экан-а?» дея ҳайратланиши мумкин. Лекин шаҳарнинг ичкарасига кирарсангиз, у «сединмайгина» секин-секин кенгайиб бораверади ва ўз тилимотларини оча бошлайди. Кеча меҳмонлардан бири гапириб қолди: «Самарқандга келиб, ҳеч Самарқандни англаб улгуролмайман. Нега десангиз, ҳали у томондан айланаман, ҳеч охири кўринмайди, ҳали бу томондан айланаман, обидалар тугамайди. Жаҳонгир Амир Темур мақбараларини зиёрат қилаётиб, бир нарасага амин бўлдим. Буюклар тирикчилигида ҳам, у дунёга «сафар» қилганларида ҳам буюкчилиги қолар экан. Сабаби, ул зотнинг зиёратгоҳлари туну кун одамлар билан гавжум, дўст одам, ағёр ҳам фақат яхши ниятда зиёратга интилади».

Шаҳар аҳли уч кунки, байрам руҳи билан яшаётди. Бир ёғи маҳалла-гузарларда янграётган қарнай-сурнай садолари фестивал иштирокчиларини тўй-томошала-рига қорламоқда. Меҳмонлар бўлса, ўзбекларнинг катта-катта қўзонларида дамланаётган ошлари ва саҳий дастурхонларидан насиб-ба тотишади. Шунда бу

халқнинг меҳмондўстлигига, бағри кенглигига ва эртасининг янада нурли бўлмоғига ишонадилар. Самарқанднинг Шоирлар боғи, Театр майдони, Ёшлик боғи ҳамда яна бир неча жойларда республикамиз санъаткорлари меҳмонлар билан биргаликда қўшма концерт дастурларини намойиш қилишди. Регистон майдонида эса Иордания, Вьетнам, Россия, Арманистон, Юнонистон, қирғизистонликлар ўз санъатларини мухлислар ҳукмига ҳавола этишяпти.

Санъат дунёсида таржумонлик қилиш шарт эмас. У хоҳ қўшиқ бўлсин, хоҳ куй бўлсин, ёки бирон театр асари бўлсин, ҳамма тўшуниб олаверади. Ҳатто имо-ишоралар ҳам дилларни бир-бирига боғлаб қўяди. Самарқандда ҳам бу фикрларимиз ўз ибодтини топтоқда. Бўлмаса олис Америкадан ёки Таиланд, Малайзия, Қирғизистондан ташриф буюрган санъаткорлар Регистон саҳнасида ижро этилган қадимий оҳангларга баб-баравар қарсақ чалиб олқишларимди. Президентимиз фестивалнинг очилиш маросимида «Шарқ мусиқаси -- Шарқ фалсафаси, Шарқ дунёсининг узвий бир қисми-ди. Шарқ мусиқасининг жаҳон маданий меросида тўтган ўрни бениҳоя буюк», дея эътироф этганларида, Шарқнинг асрлардан асрларга ўтиб келаятган, инсоният ҳали англаб-англомаган буюк ҳақиқатларини назарда тутдилар. Зеро, Самарқандда қадимда тикланган, шўролар замонида бузилган, озодлик кунларига келиб эса яна қайтадан тикланган Шарқнинг улкан кўприги бунёд этилди, десак тўғри бўлади.

Фафур ШЕРМУҲАММАД, Норқобил ЖАЛИЛ, «Халқ сўзи» мухбирлари.

БОҒДА БАЙРАМ БОШЛАНДИ



Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек номидаги боғи Ватанимизнинг улғу байрами арафасида янада фойзли тус олди. Бу ерда ҳар кун катта-кичик, хилма-хил тантаналар ўтказилаётди.

Айниқса, республика Давлат матбуот қўмитаси томонидан ташкил этилган «Китоб байрами» гоғат қизиқарли

ўтди. Чунки истиқлолимизнинг олти йиллиги арафасида мамлакатимизнинг турли бурчақларида яшаб ижод қилаётган 34 нафар ёш ижодкорнинг китоблари чоп этилдики, шу кун бу китобларнинг тақдирот маросими бўлди. Унда сўзга чиққан Ўзбекистон халқ шоирлари Ҳалима Худойбердиева, Омон Матжон ҳамда турли нашриётларнинг директорлари, таниқли адиблар ёш ижодкорларни қутлаб, республикамиз адабий муҳитига янги овозлар кириб келганини алоҳида таъкидлашди.

Жамил ҚАРВОН.

ИСТИҚЛОЛ МУШОИРАСИ

КЎКСИМ ТОҒДАЙ ЮКСАЛДИ

Дийдорингга тўйиб деб, Кўриб, ором олай деб, Дала-тузни тўлдириб, Лола бўлиб чопандим, Бола бўлиб чопандим. Чўлпон эдим осмонда, Аямасдан уздилар, Кўкайимни эдилар. Жайронсим -- Истиқлол!

Этай, дедим, тинмадим, Алдоларга кўнмадим, Худди ўзинг сингари Тоғу тошдан ошдим мен, Дийдорингга шошдим мен. Сиртлон бўлиб чопдилар,

Қоплон бўлиб қопдилар. Ҳайронсим -- Истиқлол!

Тоқатларим тоқ бўлиб, Умидим сароб бўлиб, Акаю укаларим, Отаю сингилларим, Тенгқур даврадошларим, Метиндай бардошларим, Эгатга сочилганда, Умидлар янчилганда, Дармонсим -- Истиқлол!

Хур замонга етмоқлик Армон эди кўнгида. Зўр замонга етмоқлик Армон эди кўнгида.

Туғилдинг, кўкдаги моҳ Тилло бешигинг бўлди. Кўксим тоғдай юксалди, Кўнглим эшигинг бўлди. Бошимда бор байроғим, Мадҳиям бор -- янроғим, Тинчлик, Тенглик -- яроғим! Тугром бор -- кўз қароғим! Борми мендан бойроғи?! Қадимингга ҳасанот, Хушқолингга --

Истиқлол! Иқболсим -- Истиқлол! Ўқтам МИРЗАЁР.

ТАРАДДУД

Ҳозир Тошкент кўчаларини айлансангиз, кўзингиз қувонади. Ҳамма жойда байрам кайфияти. Халқимизнинг хурсандчилиги, мукдадас байрам -- Мустақиллик кўни арафасида «Тошкент университетининг савдо-ишлаб чиқариш очик турдаги хиссадорлик жамияти жамоаси қандай хизмат қўрсатапти? Мухбиримиз мазкур жамоа бошқарувчи раиси ҲАБИДУЛЛА ШАРИПОВГА ана шу савол билан мурожаат қилди.

-- Мустақиллик -- олий неъмат, — деди у. — Шу боис бу байрам йилдан-йилга оммалашиб, умум-халқ байрами тусини олмоқда. Бизнинг жамоамиз ҳам ана шу қўтлуғ кунларда кўпчиликнинг қувончига шерик бўлиш мақсадида шахримизнинг «Мустақиллик» майдони,

уч йил олдин буткул бошқача манзара зоҳир эди. Айни пайтда МДХ мамлакатларидаги кўлаб санъат корхоналарининг тўхтаганлиги -- маҳсулот чиқармаётганлигини инобатга олсак, бу қувончи ҳолдир. Бундан нафақат қувончи, мағрурлини лозим. Демак, бизнинг санъат корхонала-

ХУРСАНДЧИЛИККА ШЕРИК БЎЛАМИЗ

«Сайилгоҳ» кўчаси ва Анҳор бўйида байрам савдолари ташкил қилишни режалаштирган. Шу кунларда эса биномизнинг 2-қаватида Германияда ишлаб чиқарилган юқори сифатли кийим-кечакларнинг савдо кўргазмаси ўтказилмоқда. Байрам кунлари мазкур маҳсулотларнинг нархлари аҳолига 20 фоиз арзонлаштирилган ҳолда сотилади.

Бундан ташқари, байрам муносабати билан болалар боғчалари, ногиронларга ёрдам тариқасида 300 минг сўмлик хайр-эхсон тadbирларини ўтказиш ниятимиз ҳам бор.

-- Пештахталарда ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар хорижликка нисбатан анча кўп экан. Илгари бунинг тескараси эди...

-- Синчков экансиз. Дарҳақиқат, пештахталаримизда бундан атиги икки-

римиз ҳам жаҳон андозалари даражасидаги маҳсулотлар чиқаришга қодир эканликларини намойиш этишмоқда. Агар қўзатган бўлсангиз, бу маҳсулотлар ҳам сифатли, ҳам арзон. Айниқса, Хива гиламлари, Олмалиқ палослари, «Миконд» қандиллари, биллур идишлари, Риштон, Хива, Тошкент керамика заводлари сопол идишлари, Самарқанд ва Тошкент чини заводлари маҳсулотлари, «Юлдуз», «Паризод», «Кўкча»нинг тайёр кийимлари, қўшма корхоналар маҳсулотлари, «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни ишлаб чиқарган ўқув қўроқларини нафақат ўзимизникилар, балки шахримизда истиқомат қилганлар хорижликлар ҳам харид қилишмоқда. Бу мамлакатимизда амалга ошириляётган иқтисодий ислохотлар жадал ривожланаётганлиги ва яхши самара бераётганлигидан далолатдир.

А. САИДОВ.

«ТЕННИС» МАРКАЛАРИ



«Ўзбекистон маркаси» нашриёт марказида тайёрланган «Теннис» мавзусига оид почта маркалари туркуми Ўзбекистон Республикаси Почта ва телекоммуникациялар агентлиги томонидан муомалага чиқарилди.

Маълумки, теннис бўйича мусобақалар мамлакатимизда тобора оммалашиб бормоқда. Республикаимизнинг барча вилоятларида халқаро андозалар талаблари даражасида жиҳозланган теннис кортлари қурилади ва қуриломоқда. Теннис бўйича Президент

қаларининг ҳам ўзига хос ўрни бор. Шунингдек, теннис бўйича аёллар ўртасида «Челленжер» халқаро мусобақалари, «Буюк ипак йўли» сателлит-турнири ўтказилди.

«Теннис» деб номланган почта маркалари туркумидаги биринчи марка Президент кубоғи учун халқаро мусобақаларга бағишланган. Мазкур марқада мусобақалар соврини -- Президент кубоғи тасвирланган. Туркумдаги иккинчи мар-

ка теннис бўйича аёллар ўртасида «Челленжер» халқаро мусобақаларига бағишланган бўлиб, унда кўлида ракетка ушлаган теннисчи аёл тасвирланган.

Учинчи марқа эса «Буюк ипак йўли» сателлит-турнирига бағишланган. Ушбу марқада қадимий Шарқнинг қарвон йўллари рамзи бўлиши туя -- «чўл кемаси» тасвирланган.

Туркумдаги учала марқада ҳам теннис тўшининг рамзини тимсоли акс эттирилган.

Маркалар 2 хил ранг билан безатилаган. Нархи -- 6 сўм.

Маркалардаги тасвирларни расмон Юлай Габзалилов ишлаган. Спорт мавзусига қизиқувчи марқа йиғувчилар ўз коллекцияларини яна бир ажойиб янгилик билан бойитишлари мумкин. С. ҲАСАНОВА.

Тошкент шаҳри, Акмал Икромов туманида жойлашган «МАФРАМ» масъулияти чекланган жамият тугатилади.

Давъовлар бўйича қуйдаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: Тошкент шаҳри, Акмал Икромов тумани, «Чилонзор» даҳаси, 12-мавзе, 38-уй, 6-хонадон.

Телефон -- 76-97-35.

Бухоро шаҳридаги «Бахнар» хусусий фирмаси тугатилади. Давъовлар бир ой мобайнида қабул қилинади.

Халқ Сўзи Народное Слово

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

БЎЛИМЛАР: Парламент 33-57-34; Халқлар 36-55-39; Хўж ва қонуничлик 36-37-85; Иқтисодий 36-36-65, 36-07-94; Магнаоият 36-35-60; Туғи муҳарририят 33-10-28; Эълонлар 36-09-25.

Руйхатдан ўтиш тартиби № 0001 Буюртма Г -- 0522, 34.845 нусхада босилди, ҳажми -- 2 табоқ, офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2 Газета IBM компьютерда терилди ва операторлар Рустам АЗИМОВ ва Иван РЕШАНОВ томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилик кўчаси, 32-уй. Навбатчи муҳаррир -- Т. Абдурахмонов. Навбатчи -- Н. Мусомов. Мухассаҳ -- Ш. Режапов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти -- 21.00 Босишга топширилди -- 22.35 1 2 3 4 5 6